



13

QAROR

№ 18 4-K


2004 йил « 2 » 02

Фермер хужалигига кушимча ер ажратиш тугрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кишлоқ хужалигида ислохатларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йуналишлари тугрисида» 2003 йил 24-мартдаги ПФ-3226-сон, «2004-2006 йилларда фермер хужаликларини ривожлантириш концепсиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тугрисида» 2003 йил 27-октябрдаги ПФ-3342-сон фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30-октябрдаги 476-сонли ҳамда вилоят ҳокимининг 2003 йил 6-ноябрдаги 258-К сонли «2004-2006 йилларда фермер хужаликларини ривожлантириш концепсиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тугрисида» ги қарорига ҳамда туман ҳокимининг 2003 йил 6-ноябрдаги 489-К сонли қарорига асосан кишлоқ хужалиқ маҳсулотларини етиштирувчиларнинг асосий шакл сифатида фермер хужаликларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек кишлоқда бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш мақсадида, _____ нинг фермер хужалигига кушимча ер майдони ажратиш тугрисидаги аризаси инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги қошида ташкил этилган, ширкат хужалиқлар негизида фермер хужалиқлар ташкил этиш комиссиясининг 2003 йил 3-декабрдаги 2-сонли баённомасига асосан, «Янгиобод» ширкат хужалигидаги «USTO» фермер хужалигига 219-контурдан, жами ери -2,7 гектар, шундан: сугориб ҳайдаладиган ер -2,6 гектар, ариқлар -0,1 гектар ер майдони қушиб берилсин.
2. «USTO» фермер хужалигига «Самдаверлойиха» олийгоҳи мутахассисларининг 2003 йил 3-ноябрдаги қайта йуқлама қилиш далолатномасига асосан тузилган ерларни ҳисоблаш қайдномаси тасдиқлансин.
3. Туман ер ресурслари хизмати (Б.Абдураззоков)га ер кадастр ва бонитети асосида мазкур фермер хужалигига ажратилган ер майдонларини тегишли меъёрий ҳужжатларни ва давлат гувоҳномасини тайёрлаш;
-ДФХУ вакиллиги директори (А.Олимов)га «USTO» фермер хужалигини тайёрлов ташкилотлари билан шартнома тузишни ва шартномани бажарилишини ҳамда ердан оқилона фойдаланишни назорат қилиш;
-туман Давлат солиқ инспекцияси (О.Жураев)га «USTO» фермер хужалигини молиявий фаолияти устидан назорат урнатиш, солиқ ва бошқа мажбурий туловларини тартибга солиш;
-туман статистика бўлими (З.Эргашев)га «USTO» фермер хужалигининг статистик ҳисоботларини тугри олиб бориш ва умумлаштириш вазифаси юклатилсин.
4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи уринбосари Ю.Абдимуродов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими :- 

Ш.Негматов